

ЭЪЛОН

“O’zsanoateksport” АЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

“O’zsanoateksport” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йилнинг 08 ноябрь куни соат “15:00” да Жамият жойлашган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 107 уйда ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатга олишни бошлаш : 14:30.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш бошланиши: 15:00.

Кун тартиби:

1. “O’zsanoateksport” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. “O’zsanoateksport” АЖнинг маъсулияти чекланган жамиятлардаги улушларини сотиш тўғрисида.

3. “O’zsanoateksport” АЖнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

4. “O’zsanoateksport” АЖнинг 24.07.2021 йилда QO822-3-сон ҳамда 17.01.2022 йилда QO822-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган “O’zsanoateksport” АЖ қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг матнини тасдиқлаш.

Акциядорлар реестрини шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилган эмитент органи - “O’zsanoateksport” АЖ Кузатув кенгаши ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар бериш учун акциядорлар реестри тузилган сана - 2024 йил 17 октябрь.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузилган сана - 2024 йил 04 ноябрь.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини рўйхатдан ўтказиш ва унда иштирок этиш учун акциядорларда шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт/ID card), акциядорлар вакилларида эса - ишончнома (жисмоний шахслар учун - нотариал тасдиқланган, юридик шахслар учун - мазкур юридик шахс томонидан берилган) бўлиши керак.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши материаллари билан танишиш учун Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй, 328 хона манзилига, тел: (71) 2094848 (505) “O’zsanoateksport” АЖга ёки info@use.uz электрон почтаси орқали мурожаат қилишингизни мумкин.

“O’zsanoateksport” АЖ Кузатув Кенгаши